

## **ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМАЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ - ДОЛЗАРБ ВАЗИФА**

**Абдирахатов Х., ГулДУ доценти, Шодмонқулова М., ГулДУ ўқитувчиси**

2008 йилдан бошлаб кучга киритилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб, сиёсий партияларни демократик тамойиллар асосида фаолият юритишлари учун имкониятлар яратиб берди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз миқёсида жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш, шу билан бирга жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шаклланишига ва ушбу жараёнларнинг демократлашишига ўз олдимизга қўйган вазифаларни ва сиёсий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партияларга қуйидагича таъриф берилди: “Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар”. Шу билан бирга партиялар - бу маълум бир қатламларнинг манфаатларини давлат миқёсида ифода этувчи ҳамфикрлардан тузилган сиёсий ташкилотдир.

1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Қонун 17 моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қоидалар асосида фаолият юритишлари учун ривожланган мамлакатлар мезонлари талабларига хос бўлган ҳуқуқий асослар яратилди. Мазкур Қонунга биноан сиёсий партиялар эркин фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлдилар, партияларнинг ўзаро ҳуқуқий тенглиги, шунингдек, уларнинг жамият олдидаги вазифалари ва масъуляти қонунлаштирилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг жамият институти сифатидаги ҳуқуқий мақоми шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари жамиятнинг асосий институтлари эканлиги эътироф этилиши билан бирга, уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмаслиги Конституциявий меъёрлар билан белгилаб қўйилди.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилиши муносабати билан 2010 йилдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан кўрсатилган номзодлари асосида шаклланиши мазкур палатани фуқаролик жамияти билан бевосита алоқадор бўлишини таъминлайди. Жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар сиёсий партиялар воситасида ўз манфаатларини парламентга етказиш имкониятига эга бўладилар. Сиёсий партияларнинг бош вазифаларидан бири – давлат билан жамият ўртасидаги воситачилик функцияларини бажариши учун кенг имкониятларга эга бўлганлигидир.

Ушбунини таъкидлаш лозимки, яқинда Парламентга бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражасини тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни ҳар жиҳатдан аҳолини амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаганини намойиш этди.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканини исботлашга, амалда бу партияларнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлари ишлаб

чикилиб, жорий этилганлиги ҳам бизга маълум. Айнан ана шу хусусият, яъни, сиёсий партияларнинг ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши мазкур сайловларнинг моҳияти ва асосий маъно мазмунини ташкил этди, десак хато қилмаган бўламиз.

Сайловлар жамиятимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни, ислохотлар жараёнидаги иштироки, уларнинг ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига таъсири, партиялараро сиёсий рақобат кучайиб бораётганини ҳам намойиш этди. Сайлов натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик Палатасига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 53 нафар, Ҳалқ демократик партиясидан 32, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 31, “Адолат” социал-демократик партиясидан эса 19 нафар депутат сайланди.

Қонунчилик Палатасида биринчи марта Парламентдаги кўпчилик - Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва шунингдек, “Адолат” социал демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Айни вақтда Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси фракцияси тимсолида Парламентдаги муҳолифат ташкил топди.

“Мамалакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир”. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида партиялар ўртасидаги муҳолифатлилиқ, баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши, шу билан бирга, сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши зарур эканлигини таъкидлаганлар.

Қонунчилик Палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам мустаҳкам бўлади.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” ги Конституциявий қонун талабларидан келиб чиқиб, жамиятнинг барча қатламларини ягона мақсад йўлида бирлаштиришдек улғувор ғояни аҳолига етказиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимнинг таъсири ва аҳамияти каттадир.

Жамият ҳаётида маҳаллаларнинг ролини ошириш бобида партиялар депутатлик гуруҳлари катта ишларни амалга ошириши, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларнинг ечишда кўмаклашиши, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойлардаги жамоат тартиби ва хавсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси кучайиб бориши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш шароитида сиёсий партияларнинг фаолиятини ташкил этишнинг долзарб масалаларини маҳаллий жойларда ташкил қилиш ва унинг фаолиятини жонлантиришга шарт-шароитлар яратилди. Фикримизча бу давр талабидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун. –Т.: Адолат, 1996.
3. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Халқ сўзи, 2009, 6-декабр.